



“30” октябрь 2020у № 37

**“Таълим статистикаси бўйича услубий низом”ни
тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

Таълим статистикаси бўйича услубий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил “30” июндаги 10-сон қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

Мазкур қарор тасдиқланган кундан кучга киради.

Раис

Б. Бегалов

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил “30” октябрдаги
37-сон қарорига
ИЛОВА

Таълим статистикаси бўйича услубий низом

I. Умумий қоидалар

Таълим статистикаси бўйича услубий низом (кейинги ўринларда – Услубий низом деб юритилади) давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг ҳолати ва ривожланиши тўғрисидаги статистик ҳисобни юритилишини янада такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Услубий низомда таълим тизими соҳасида давлат статистика кузатувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, маълумотлар манбалари, расмий статистик кўрсаткичларни шакллантириш учун қўлланиладиган таснифлар, асосий тушунчалар, атамалар ва уларнинг таърифлари, алоҳида статистик кўрсаткичларни ҳисоблаш усуллари ва расмий статистик ахборотни тарқатиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Мазкур Услубий низом давлат статистика органлари томонидан таълим тизими соҳасидаги асосий кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Услубий низомни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, МДХ Статистика қўмитасининг тавсиялари, шунингдек, МДХ давлатлари тажрибаларидан фойдаланилди.

Шунингдек, ушбу Низом халқаро стандартлар (ЮНЕСКО статистика институти (ЮСИ) томонидан тайёрланган “Таълимнинг халқаро стандарт таснифланиши” (ТХСТ 2011), “Таълим соҳалари ва касбий тайёргарлик” (ТХСТ-0 2013) ва “Расмий таълим ҳақида умумий маълумот бериш бўйича қўлланма”)га асосланган.

II. Асосий тушунчалар, атамалар ва уларнинг таърифлари

Таълим статистикаси — таълим соҳасида юз берадиган ҳодиса ва жараёнларни миқдорий ва сифат жиҳатидан ўрганувчи статистика соҳаси ҳисобланади.

Таълим статистикасининг асосий вазифаси, фойдаланувчиларга таълим тизими ҳолати ва ривожланишини тавсифловчи ишончли расмий статистик маълумотларни ўз вақтида тақдим этишдан иборат.

Таълим – таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган тизимли жараён.

Таълим тизими:

-давлат таълим стандартларини, давлат таълим талабларини, ўқув режалари ва ўқув дастурларини;

-давлат таълим стандартларини, давлат таълим талаблари ва ўқув дастурларини амалга оширувчи таълим ташкилотларини;

-таълим сифатини баҳолашни амалга оширувчи ташкилотларни;

-таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасаларни;

-таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларини, шунингдек, уларнинг тасарруфидаги ташкилотларни ўз ичига олади.

Таълим тизими ягона ва узлуксиздир.

Таълим турлари қуйидагилардан иборат:

-мактабгача таълим ва тарбия;

-умумий ўрта ва ўрта махсус таълим;

-профессионал таълим;

-олий таълим;

-олий таълимдан кейинги таълим;

-кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

-мактабдан ташқари таълим.

Мактабгача таълим ва тарбия — Мактабгача таълим ва тарбия болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган таълим туридир. Мактабгача таълим ва тарбия олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик мажбурий тайёрлашни ҳам назарда тутди.

Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим — Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган.

Умумий ўрта таълим (I — XI синфлар) босқичлари қуйидагилардан иборат:

бошланғич таълим (I — IV синфлар);

таянч ўрта таълим (V — IX синфлар);

ўрта таълим (X — XI синфлар).

Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

Бошланғич таълим — таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган.

Таянч ўрта таълим — ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Таянч ўрта — таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим олувчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади.

Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек, таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминлайди.

Профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, шунингдек таълим олувчиларни юқори малака талаб қилинмайдиган касбларга тайёрлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Умумий ўрта таълим — умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-ҳунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Нодавлат таълим ташкилотларида умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тўлов-шартнома асосида амалга оширилиши мумкин.

Иқтидорли ва истеъдодли болаларнинг қобилиятини ривожлантириш учун Президент, ижод ва бошқа ихтисослаштирилган мактаблар, шунингдек, мактаб-интернатлар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка тартибда таълим олади.

Умумий ўрта таълим ташкилотларининг синфларида (гуруҳларида) таълим олувчилар сони ўттиз беш нафардан ошмаслиги керак.

Профессионал таълим — Профессионал таълим эгалладиган касб ва мутахассислик бўйича қуйидаги даражаларни ўз ичига олади:

- бошланғич профессионал таълим;
- ўрта профессионал таълим;
- ўрта махсус профессионал таълим.

Бошланғич профессионал таълим касб-ҳунар мактабларида IX синф битирувчилари негизида бепул асосда кундузги таълим шакли бўйича умумтаълим фанларининг ва мутахассислик фанларининг икки йиллик интеграциялашган дастурлари асосида амалга оширилади.

Ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги икки йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич профессионал таълим негизида амалга оширилади.

Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади.

Касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар таълим олувчиларнинг ўзи танлаган касбга ва мутахассисликка эга бўлишини таъминлайди.

Фуқаролар шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги профессионал таълимни олиш ҳуқуқига эга.

Олий таълим — Олий таълим бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди.

Олий маълумотли кадрларни тайёрлаш олий таълим ташкилотлари (университетлар, академиялар, институтлар, олий мактаблар)да амалга оширилади. Умумий ўрта (ўн бир йиллик таълим), ўрта махсус (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик ўрта махсус таълим), бошланғич профессионал таълим (тўққиз йиллик таянч ўрта ва икки йиллик бошланғич профессионал таълим) олган шахслар, шунингдек, ушбу қонун кучга киргунига қадар ўрта махсус, касб-хунар таълими (тўққиз йиллик умумий ўрта ва уч йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими) олган шахслар олий маълумот олиш ҳуқуқига эга.

Олий таълим икки босқичга — бакалавриат ва магистратура босқичига эга.

Бакалавриат — олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

Магистратура — тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир.

Магистратура мутахассисликларининг ва уларга мувофиқ бўлган бакалавриат таълим йўналишларининг рўйхати таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

Фуқаролар шартнома асосида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумотни олиш ҳуқуқига эга.

Олий таълимдан кейинги таълим — олий таълимдан кейинги таълимни олий таълим ва илмий ташкилотларда олиш мумкин.

Олий таълимдан кейинги таълим докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Таянч докторантура фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Докторантура фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Мустақил изланувчилик фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD)) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc)) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли ҳисобланади.

Илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш, илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш тартиби, шунингдек ҳарбий, тиббиёт ва бошқа таълим ташкилотларида олий таълимдан кейинги таълим олиш хусусиятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Олий таълимдан кейинги таълимнинг давом этиш муддати қонун ҳужжатларида белгиланади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш — кадрларни қайта тайёрлаш таянч мутахассисликлар ва касбларга мувофиқ бўлган йўналишлар бўйича фаолиятни амалга ошириш учун қўшимча касбий билим, малака ва кўникмаларнинг зарур ҳажми эгалланишини таъминлайди.

Кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди, кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шакллари ва муддатлари тегишли давлат таълим талаблари билан белгиланади.

Мактабдан ташқари таълим — болаларнинг эҳтиёжларини қаноатлантириш, бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шунингдек, тижорат ташкилотлари маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт йўналишидаги мактабдан ташқари таълим ташкилотларини ташкил этиши мумкин.

Мактабдан ташқари таълим болаларга узлуксиз таълим беришнинг таркибий қисми сифатида уларнинг истеъдоди ва қобилиятини ривожлантиришга, маънавий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилган.

Мактабдан ташқари таълим ташкилотлари жумласига болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, «Баркамол авлод» болалар мактаблари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, студиялар, ахборот-кутубхона ҳамда соғломлаштириш муассасалари киради.

Мактабдан ташқари таълим бериш тартиби таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан белгиланади.

Таълим олиш шакллари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олиш (кундузги);
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш (сиртки, кечки, масофавий);
- дуал таълим;
- оилада таълим олиш ва мустақил таълим олиш;
- катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш;
- инклюзив таълим;
- экстернат тартибидаги таълим;
- мудофаа, хавфсизлик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида кадрлар тайёрлаш.

Масофавий таълим – масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилган.

Масофавий таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Дуал таълим – таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмаларни олишга қаратилган бўлиб, уларнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса таълим олувчининг иш жойида амалга оширилади.

Дуал таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Инклюзив таълим – алоҳида таълим эҳтиёжлари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар (шахслар) учун таълим ташкилотларида инклюзив таълим ташкил этилади.

Инклюзив таълимни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Экстернат тартибидаги таълим – экстернат тартибидаги таълим олиш ўқув дастурларини мустақил равишда ўзлаштиришни ўз ичига олиб, унинг якунлари бўйича таълим олувчилардан давлат таълим муассасаларида якуний ва давлат аттестацияларидан ўтишни талаб этади.

Экстернат тартибидаги таълим олишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Таълим муассасалари ўқувчилари (талабалари) сони – ўқув йили бошида умумтаълим ташкилотларида, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълими ташкилотларида ва олий таълим ташкилотларида рўйхатда турган ўқувчилар (талабалар) сони. Умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ва олий таълим муассасалари ўқувчиларининг (талабаларининг) умумий сонига Ўзбекистон Республикасида таълим олаётган чет эл фуқаролари қўшилмайди. Давлат статистика ҳисоботларида ўқувчилар (талабалар) сони тўғрисидаги маълумотлар ҳудудлар, таълим ташкилотлари турлари, мутахассисликларнинг тармоқ гуруҳлари, шаҳар ва қишлоқ жойлари, синфлар (курслар), жинси, ўқитиш тили ва ҳоказолар бўйича келтирилган. Жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун мактаблар ўқувчиларининг умумий сонига ушбу таълим муассасаларининг тайёрлов синфларидаги ўқувчилар ҳам қўшилади;

Ўқишга кириш учун назарий ёш – бу мазкур ёш учун мўлжалланган таълимнинг энг қуёи босқичидан ўқишни бошлаши назарда тутилган, ўқиш даври мобайнида тўлиқ кун ўқиб, иккинчи йилга қолмасдан ва қандайдир синфни, курсни ўтказиб юбормасдан мазкур курсда ўқишни тамомлайдиган маълум бир таълим дастури бўйича ёки таълимнинг маълум бир босқичида ўқувчилар ўқишни бошлайдиган ёш. Маълум бир дастур ёки таълим босқичи бўйича ўқишни бошлашнинг назарий ёши таълим олишнинг амалдаги ёшидан фарқ қилиши мумкинлигини инобатга олиш керак.

Таълим ташкилотига қабул – ушбу ўқув йилида биринчи йил ўқиш учун қабул қилинган шахслар сони кўрсаткичи. Қабул қилинганлар сонига иккинчи йилга қолдирилганлар ва илгари ўқиб қайтиб келган шахслар қўшилмайди;

Таълим ташкилотлари битирувчилари – таълим ташкилотида ўқув курсини тўлиқ тамомлаган ва муносиб таълим олган (мутахассисликка эга бўлган) шахслар сони;

Педагогик ходимлар сони – олий ёки ўрта махсус тайёргарликка эга бўлган, ўқувчиларга таълим ва тарбия бериш билан шуғулланаётган шахслар сони.

III. ТХСТ 2011 га мувофиқ таълим даражалари

Таълим даражаси бу ўқув тажриба босқичларига мувофиқ равишда таълим дастурларини таснифловчи тартибга солинган тоифалар тўплами,

шунингдек, таълим дастури бериши назарда тутилган кўникма ва ваколатларидир. ТХСТ бўйича таълим даражаси ТХСТ 2011 халқаро стандарт таснифига мувофиқ равишда аниқланадиган асосийдан то мураккабгача бўлган таълим дастурлари мазмунининг мураккаблик даражаси ва ихтисосликларини акс эттиради. Ўз навбатида, “таълим даражаси” ТХСТ таълим даражасини яқунлаб янада юқори босқичларига ўтишга имкон беришини билдирувчи даража ва “тоифа ости” бўйича йўналишларини аниқлайдиган “тоифа”ни ўз ичига олади.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси таълим тизими миллий стандартларига мос келувчи таълим даражалари келтирилган:

ТХСТ 0-даражаси (Мактабгача таълим ва тарбия) кичик ёшдаги болаларнинг билим олиши, жисмоний, ижтимоий ва ҳис-туйғуларининг ривожланиши учун комплекс ёндашув асосида ўқитиш ва таълим бериш фаолиятини, шунингдек, кичик ёшдаги болаларни ўқув фаолиятига ва бошланғич таълим дастурлари бўйича ўқишга кириши учун тайёрлаш мақсадида уларни оила шароитидан ажралган ҳолда ташкиллаштирилган таълим бериш билан таништиришни назарда тутди;

ТХСТ 1-даражаси (бошланғич таълим) кичик асосан ўқиш, ёзиш ва математика (яъни саводхонлик ва ҳисоблаш)нинг асосий кўникмаларини ўргатишга, билимнинг асосий соҳаларини тушуниш ва ўрганиш учун, шахснинг ривожланиши учун, ўрта таълимнинг биринчи босқичида ўқишга тайёрлаш учун жиддий асос яратишга йўналтирилган ўқув ва таълим фаолиятини назарда тутди. Бунда ўқитиш, мураккаблиги жиҳатдан энг қуйи ихтисосликдаги таянч даражада таълим олишга йўналтирилган (агар шунақаси мавжуд бўлса);

ТХСТ 2-даражаси (таянч ўрта таълим) таянч ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳажмини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Таянч ўрта таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим олувчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади.

ТХСТ 3-даражаси (Ўрта таълим ва ўрта махсус таълим) ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек, таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар

эгалланишини таъминлайди. Бу даражадаги дастурлар ўрта таълимнинг иккинчи босқичи (ТХСТ 2 даражаси) дастурига нисбатан ўқувчиларга турли хил, ихтисослаштирилган ва фанларни чуқурлаштирилган даражада ўрганишни таклиф этади. Умумий ўрта таълим, умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади. Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек чуқур, табақалаштирилган, касб-хунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

ТХСТ 4-даражаси (Ўрта профессионал таълим) ўрта профессионал таълим коллежларда давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги икки йилгача бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича умумий ўрта, ўрта махсус таълим ҳамда бошланғич профессионал таълим негизида амалга оширилади.

ТХСТ 5-даражаси (Ўрта махсус, профессионал таълим). Ўрта махсус профессионал таълим техникумларда умумий ўрта, ўрта махсус, бошланғич профессионал ва ўрта профессионал таълим негизида давлат буюртмаси ёки тўлов-шартнома асосида касблар ҳамда мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда, давомийлиги камида икки йил бўлган кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари бўйича амалга оширилади. Олий таълим тизими билан интеграциялашган бўлиб, олий таълим ташкилотлари ҳузурида фаолият кўрсатади.

ТХСТ 6-даражаси (олий таълимнинг биринчи босқичи «бакалавриат») бакалавриат олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

ТХСТ 7-даражаси (олий таълимнинг иккинчи босқичи «магистратура») магистратура тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир.

ТХСТ 8-даражаси (олий таълимдан кейинги таълим) – мазкур даражадаги дастурлар энг аввало илмий тадқиқотлар соҳасида, яъни чуқурлаштирилган ва мустақил тадқиқотларга бағишланган энг юқори малакага етказиш учун ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси миллий таълим дастурларининг ТХСТ 2011 га мувофиқ таснифланиши 1-иловада келтирилган.

IV. Таълим статистикаси бўйича нисбий кўрсаткичларни хисоблаш усуллари

Болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш – мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сонини 1-6 ёшдаги аҳоли сонига (6 ёшдаги умумтаълим ташкилотларида таълим ва тарбия олаётганларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-қарорига мувофиқ, икки ёшгача бўлган болалар аксарият ҳолларда онаси қаровида бўлиши сабабли статистика амалиётида 3-6 ёшдаги болаларни мактабгача ташкилотлар билан қамраб олиш бўйича ҳисоблашлар қўлланилади. Бунда, ҳисоблаш худди 1-6 ёшдаги болалар учун бўлган ҳолат каби амалга оширилади.

$$\frac{\text{мактабгача таълим ташкилотлардаги 3–6 ёшли болалар сони}}{(\text{3–6 ёшли аҳоли сонидан} - \text{умумтаълим ташкилотида таҳсил олаётган 6 ёшли ўқувчилар})} * 100$$

Мактабгача таълим ташкилотларида 100 ўринга тўғри келадиган болалар сони – мактабгача таълим муассасаларидаги болалар сонини улардаги ўринлар сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{мактабгача таълим ташкилотларидаги болалар сони}}{(\text{мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони})} * 100$$

Болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар билан таъминланганлиги (1000 болага тўғри келадиган ўринлар) – мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сонини 1-6 ёшдаги аҳоли сонига бўлиб 1000 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{мактабгача таълим ташкилотларидаги ўринлар сони}}{1-6 \text{ ёшли аҳоли сони}} * 1000$$

Умумтаълим ташкилотлари ўқувчиларини куни узайтирилган гуруҳлар билан қамраб олиш – куни узайтирилган гуруҳларга қатновчи

ўқувчилар сонини умумтаълим ташкилотларининг 1-11 синфлари ўқувчилари (жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактаблар ва синфлар ўқувчиларисиз) сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{Куни узайтирилган гуруҳлардаги ўқувчилар сони}}{1-11 \text{ синф ўқувчилар сони}} * 100$$

Умумтаълим ташкилотлари синфларининг ўртача тўлдирилганлиги – маълум бир синф гуруҳларидаги ўқувчилар сонини ушбу синф гуруҳлари сонига бўлиш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{маълум бир синф гуруҳларидаги ўқувчилар сони}}{\text{синф гуруҳлари сони}}$$

Умумтаълим ташкилотлари фаолиятининг сменалилиги. Умумтаълим ташкилотлари фаолиятининг сменалилик даражаси тўғрисидаги кўрсаткичлар биринчи, иккинчи, учинчи сменада ишловчи умумтаълим ташкилотлари коэффиценти, шунингдек, биринчи, иккинчи ва учинчи сменаларда шуғулланувчи ўқувчилар сонининг коэффиценти орқали намоён бўлади. Умумтаълим ташкилотлари фаолиятининг сменалилигини ҳисоблаш жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган мактабларсиз амалга оширилади.

Бир ўқувчига тўғри келадиган умумтаълим ташкилотларининг синф хоналари майдони. Ўқув кабинетлари ва лабораторияларини қўшган ҳолда синф хоналари майдони тўғрисидаги маълумотлар биринчи сменада шуғулланувчи ҳисобланган ўқувчилар сонига (жисмоний ёки рухий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мактабларни ҳисобга олмаган ҳолда) бўлинади.

$$\frac{\text{синф хоналар майдони}}{\text{биринчи сменада шуғулланувчи ҳисобланган ўқувчилар сони}}$$

Умумтаълим ташкилотларида битта ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони – 1-11 синфлар ўқувчилари сонини ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сонига бўлиш орқали аниқланади.

$$\frac{1-11 \text{ синф ўқувчилар сони}}{\text{ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони}}$$

Таълим ташкилотларидаги олий маълумотли ўқитувчилар коэффиценти – олий маълумотли ўқитувчилар сонини ўқитувчиларнинг (ўриндошларсиз) умумий сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{Олий маълумотли ўқитувчилар сони}}{\text{ўқитувчилар (ўриндошларсиз) сони}} * 100$$

Ўқитувчи-аёллар коэффиценти – ўқитувчи аёллар сонини ўқитувчиларнинг (ўриндошларсиз) умумий сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{ўқитувчи аёллар сони}}{\text{ўқитувчи аёллар (ўриндошларсиз) сони}} * 100$$

10 минг аҳолига нисбатан ҳисобланган бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ёки олий таълим ташкилотлари ўқувчилари (талабалари) сони – ўқув йили бошида бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ёки олий таълим ташкилотлари ўқувчилари (талабалари) сонини календар йили бошидаги аҳоли сонига бўлиб 10 000 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ёки олий таълим ташкилотлари ўқувчилари (талабалари) сони}}{\text{календар йили бошидаги аҳоли сони}} * 10000$$

10 минг аҳолига нисбатан ҳисобланган бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ёки олий таълим ташкилотлари битирувчилари сони – бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ёки олий таълим ташкилотлари битирувчилари сонини мазкур йилдаги ўртача аҳоли сонига бўлиб 10 000 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ёки олий таълим ташкилотлари ўқувчилари (талабалари) сони}}{\text{ўртача аҳоли сони}} * 10000$$

Аҳолини бошланғич таълим билан қамраб олишнинг умумий коэффиценти (ТХСТ 1 даражаси) – ёшидан қатъий назар умумтаълим ташкилотлари 1-4 синфлар ўқувчилари сонини 7-10 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 7-10 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{умумтаълим муассасаларидаги 1–4 синф ўқувчилари сони}}{(\text{7–10 ёшли аҳоли сони} - \text{мактабгача таълим ташкилотидаги 7 ёшли болалар сони})} * 100$$

Аҳолини бошланғич таълим билан қамраб олишнинг соф коэффиценти (ТХСТ 1 даражаси) – умумтаълим ташкилотларининг 7-10 ёшдаги 1-4 синфлар ўқувчилари сонини 7-10 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 7-10 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{умумтаълим ташкилотларидаги 7–10 ёшдаги 1–4 синф ўқувчилари сони}}{(\text{7–10 ёшли аҳоли сони} - \text{мактабгача таълим ташкилотидаги 7 ёшли болалар сони})} * 100$$

Аҳолини таянч ўрта таълим билан қамраб олишнинг умумий коэффиценти (ТХСТ 2 даражаси) – ёшидан қатъий назар умумтаълим ташкилотлари 5-9 синфлар ўқувчилари сонини 11-15 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 11-15 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{умумтаълим ташкилотларидаги 5–9 синф ўқувчилари сони}}{(\text{11–15 ёшли аҳоли сони} - \text{15 ёшгача академик лицей касб–ҳунар мактаб, коллеж ва техникум ўқувчилари сони})} * 100$$

Аҳолини таянч ўрта таълим билан қамраб олишнинг соф коэффиценти (ТХСТ 2 даражаси) – умумтаълим ташкилотларининг 11-15 ёшдаги 5-9 синфлар ўқувчилари сонини 11-15 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 11-15 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{умумтаълим ташкилотларининг} \\ 11-15 \text{ ёшдаги } 5-9 \text{ синф ўқувчилари сони}}{(11-15 \text{ ёшли аҳоли сони} - 15 \text{ ёшгача академик лицей} \\ \text{касб-хунар мактаб, коллеж ва техникум ўқувчилари сони})} * 100$$

Аҳолини ўрта ва ўрта махсус таълим билан қамраб олишнинг умумий коэффиценти (ТХСТ 3 даражаси) – ёшидан қатъий назар умумтаълим ташкилотлари 10-11 синфлар ўқувчилари сонини 16-17 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 16-17 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{умумтаълим ташкилотининг } 10-11 \text{ синф} \\ \text{ўқувчилари, академик лицей,} \\ \text{касб-хунар мактаблари ўқувчилари сони}}{(16-17 \text{ ёшли аҳоли сони} - 17 \text{ ёшгача} \\ \text{коллеж ва техникум ўқувчилари ва олий таълим} \\ \text{ташкilotи талабалари сони})} * 100$$

Аҳолини ўрта ва ўрта махсус таълим билан қамраб олишнинг соф коэффиценти (ТХСТ 3 даражаси) – умумтаълим ташкилотларининг 16-17 ёшдаги 10-11 синфлар ўқувчилари сонини 16-17 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 16-17 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{умумтаълим ташкилотининг } 16-17 \text{ ёшдаги,} \\ 10-11 \text{ синф ўқувчилари, академик лицей,} \\ \text{касб-хунар мактаблари ўқувчилари сони}}{(16-17 \text{ ёшли аҳоли сони} - 17 \text{ ёшгача} \\ \text{коллеж ва техникум ўқувчилари ва олий таълим} \\ \text{ташкilotи талабалари сони})} * 100$$

Аҳолини профессионал таълими билан қамраб олиш умумий коэффиценти (ТХСТ 4 даражаси) – ёшидан қатъий назар коллежлари ва техникумлар талабалари сонини 18-19 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 18-19 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{коллежлар ва техникумлар талабалар сони}}{(18-19 \text{ ёшли аҳоли сони} - \text{умумтаълим ташкilotи ўқувчилари ва} \\ \text{олий таълим ташкilotи } 18-19 \text{ талабалари сони})} * 100$$

Аҳолини профессионал таълими билан қамраб олиш соф коэффиценти (ТХСТ 4 даражаси) – 18-19 ёшдаги коллежлари ва техникумлар талабалари сонини 18-19 ёшдаги йил бошидаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 18-19 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{коллежлар ва техникумлардаги 18–19 ёшдаги талабалар сони}}{(\text{18–19 ёшли аҳоли сони} - \text{умумтаълим ташкилоти ўқувчилари ва олий таълим ташкилоти 18–19 талабалари сони})} * 100$$

Аҳолини олий таълим билан қамраб олиш умумий коэффиценти (ТХСТ 6 ва 7 даражаси) – ёшидан қатъий назар олий таълим ташкилотлари талабалари сонини йил бошидаги 18-23 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 18-23 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{олий таълим ташкилотлари талабалари сони}}{(\text{18–23 ёшдаги}) \text{ аҳоли сони} - \text{умумтаълим ташкилотлари, коллежлар, касб–ҳунар мактаблари, академик лицейлар ва техникумлардаги 18–23 ёшдагиларни айирган ҳолда}} * 100$$

Аҳолини олий таълим билан қамраб олишнинг соф коэффиценти (ТХСТ 6 ва 7 даражаси) – 18-23 ёшдаги олий таълим ташкилотлари талабалари сонини йил бошидаги 18-23 ёшдаги аҳоли сонига (ТХСТнинг бошқа даражаларида таълим олаётган 18-23 ёшлиларни айирган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

$$\frac{\text{олий таълим ташкилотларининг 18–23 ёшдаги талабалари сони}}{(\text{18–23 ёшдаги}) \text{ аҳоли сони} - \text{умумтаълим ташкилотлари, коллежлар, касб–ҳунар мактаблари, академик лицейлар ва техникумлардаги 18–23 ёшдагиларни айирган ҳолда}} * 100$$

Олий таълим ташкилотларида конкурси (100 ўринга берилган аризалар) - олийгоҳга кирганлар (қабул қилинганлар) сонини ариза берганлар (абитуриентлар) сонига бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади. Бунда, ушбу кўрсаткич бакалавриат ва магистратура бўйича алоҳида ҳисобланади.

$$\frac{\text{қабул қилинганлар сони}}{\text{ариза берганлар (абитуриентлар) сони}} * 100$$

Таълимнинг маълум бир босқичи ёки босқичининг поғонасига биринчи марта кираётганлар – бу таълимнинг маълум бир босқичида ўзининг ўқишини биринчи марта бошлаётган ўқувчилар (талабалар). Биринчи марта кираётганлар сони биринчи синф/курс ўқувчилари сонига, агар ушбу тоифа ўз ичига иккинчи йилга қолдирилганларни қўшган бўлса тўғри келмаслиги мумкин.

Иккинчи йилга қолдирилганлар бу – бирор бир синфда / бирор бир курсда ўқув курсини такрорий равишда ўтаётган ўқувчилар (талабалар). Синф бу (курс) – бир ўқув йили муддатига тенг бўлган таълим олиш босқичи.

Таълимнинг янада юқори даражасига ўтиш – ўтган ўқув йилида аввалги таълим даври ёки даражасининг охириги синфида рўйхатга олинган ўқувчилар сонини таълимнинг маълум бир янада юқори цикли ёки даражасида биринчи синфга қабул қилинганлар сонига (мазкур синф ёки даражадаги иккинчи йилга қолдирилганлар сонини ҳисобга олиб ўзгартириш киритилган ҳолда) бўлиб 100 га кўпайтириш орқали аниқланади.

Кутилаётган таълим олиш муддати – аҳолини таълим билан қамраб олиш бўйича амалдаги ёш коэффициентлари ўзгармаган тақдирда мактабга қатнаш учун расман белгиланган ёшга етган боланинг таълимнинг ҳар бир босқичида ўқишга сарфлаши мумкин бўлган йиллари сони.

Кутилаётган таълим олиш муддати қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$EYS = \sum_{i=a}^n \frac{E_i^t}{P_i^t}$$

EYS - кутилаётган таълим олиш муддати;

E_i^t - t ўқув йилида i ёшдаги ўқувчилар сони (бунда $i = a, a+1, \dots, n$); n таълим олишнинг назарий жиҳатдан юқори ёш чегарасини билдиради;

P_i^t - t ўқув йилида i ёшдаги аҳоли сони.

Кутилаётган таълим олиш муддатини ҳисоблашнинг шартли мисоли 4-сонли иловада келтирилган.

V. Расмий статистик маълумотларни тарқатиш

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, расмий статистик маълумотлар шаклланиб, қуйидаги шаклда тақсимланади:

-“Мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” йиллик статистик бюллетени;

-“Шаҳар ва туманлар бўйича умумтаълим ташкилотлари ва умумтаълим ташкилотларининг педагог ходимлари” йиллик статистик бюллетени;

-“Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ташкилотлари ва академик лицейлар” йиллик статистик бюллетени;

-“Кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ривожлантиришининг асосий кўрсаткичлари” йиллик статистик бюллетени;

-“Ўзбекистон Республикасининг илмий-техникавий салоҳияти ва инновациялар ривожланишининг асосий кўрсаткичлари” йиллик статистик бюллетени;

-хорижий давлатларнинг давлатлараро органларига тақдим этиладиган сўровномалари.

Бундан ташқари, расмий статистика маълумотлари қуйидаги шаклларда тарқатилади:

-пресс-релизлар;


-Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси сайтида таҳлилий материаллар.

Расмий статистик маълумотлар фойдаланувчиларга, давлат статистика органлари томонидан шакллантириладиган расмий статистика маълумотларини тақдим этиш ва тарқатиш тартиби тўғрисидаги Йўриқномага мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг ёзма сўровлари асосида ҳам тақдим этилади.

Фойдаланилган маълумотлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни 23.09.2020 й. ЎРҚ 464-I-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия” тўғрисидаги қонуни 16.12.2019 й. ЎРҚ 595-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” фармони. ПФ-5812 6.09.2019 й.
4. ЮНЕСКО статистика институти томонидан 2013 йилда чоп этилган “Таълимнинг халқаро стандарт таснифланиши (ТХСТ 2011)”
5. ЮНЕСКО статистика институти томонидан 2014 йилда чоп этилган “Таълим соҳаси ва касбий тайёргарлик (ТХСТ-0 2013)”
6. ЮНЕСКО статистика институти томонидан 2016 йилда чоп этилган “Расмий таълим ҳақида умумий маълумот бериш бўйича қўлланма”

Ўзбекистон Республикаси миллий таълим дастурларининг
ТХСТ 2011 га мувофиқ таснифланиши



Таълим статистикаси бўйича
услубий низомга
II-ИЛОВА

Таълим бўйича статистик маълумотлар манбаи

Таълим турлари	Маълумотлар манбаи	Ким томонидан тақдим этилади
Мактабгача таълим	1-maktabgacha ta'lim shakli "Мактабгача таълим ташкилотининг ҳисоботи" давлат статистика ҳисоботи.	Мактабгача таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар
Умумий ўрта таълим	1-umumta'lim shakli "Умумтаълим ташкилотининг ҳисоботи" давлат статистика ҳисоботи	Умумий ўрта таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар
Профессионал таълим	1-o'rta ta'lim shakli "Академик лицей, касб-ҳунар мактаблари, коллежлар, техникумлари ҳисоботи" давлат статистика ҳисобот шакли	Бошланғич, ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар
Олий таълим	1-oliy ta'lim shakli "Олий таълим ташкилотининг ҳисоботи" давлат статистика ҳисобот шакли	Олий таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар
Олий таълимдан кейинги таълим	1-fan "Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарилиши ҳамда олий тоифали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш тўғрисида ҳисобот" давлат статистика ҳисобот шакли	Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш билан шуғулланаётган ташкилотлар
Мактабдан ташқари таълим	1-ta'lim (maktabdan tashqari) shakli "Мактабдан ташқари таълим ташкилотининг ҳисоботи" давлат статистика ҳисоботи шакли	Мактабдан ташқари таълим соҳасида хизмат кўрсатувчи ташкилотлар
	Муסיқа ва санъат мактаблари фаолияти тўғрисида идораларнинг маълумотлари	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги (худудлар кесимидаги жамланма маълумотлар)

Таълим статистикаси бўйича
услугий низомга
III-ИЛОВА

Таълим ва касбий тайёргарлик соҳалари (ТХСТ – 0 2013)

Фан соҳаси	Йўналиш
00. Умумий дастурлар ва малакалар	001. Таянч дастурлар ва малакалар 002. Саводхонлик ва санаш кўникмалари 003. Шахсий кўникмалар ва шахснинг ривожланиши
01. Таълим	011. Таълим
02. Санъат ва гуманитар фанлар	021. Санъат 022. Гуманитар фанлар (тиллардан ташқари) 023. Тиллар
03. Ижтимоий фанлар, журналистика ва ахборот	031. Ижтимоий ва и бихевиористик фанлар 032. Журналистика ва ахборот
04. Бизнес, бошқарув ва ҳуқуқ	041. Бизнес ва бошқарув 042. Ҳуқуқ
05. Табиий фанлар, математика ва статистика	051. Биологик ва аралаш фанлар 052. Атроф олам 053. Физикавий фанлар 054. Математика ва статистика
06. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)	061. Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ)
07. Муҳандислик, қайта ишлаш ва қурилиш тармоқлари	071. Муҳандислик ва муҳандислик иши 072. Ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш тармоқлари 073. Архитектура ва қурилиш
08. Қишлоқ, ўрмон, балиқчилик хўжалиги ва ветеринария	081. Қишлоқ хўжалиги 082. Ўрмон хўжалиги 083. Балиқчилик хўжалиги 084. Ветеринария
09. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот	091. Соғлиқни сақлаш 092. Ижтимоий таъминот
10. Хизматлар	101. Хизмат кўрсатиш 102. Ишлаб чиқаришда гигиена ва меҳнат муҳофазаси 103. Хавфсизлик хизматлари 104. Транспорт хизматлари

Таълим статистикаси бўйича
услугий низомга
IV-ИЛОВА

**Кутилаётган таълим олиш даражасини ҳисоблашнинг
шартли мисоли (йил)**

Ўқувчиларнинг ёши, йил	Ўқув йили бошига ўқувчилар сони, киши	01.01 ҳолатига аҳоли сони, киши	Қамров коэффициенти
<i>i</i>	<i>E</i>	<i>P</i>	$EYS = E / P$
Таълим даражаси ТХСТ 0			
3	114347	617856	0,185071
...	...	...	...
6	127185	639822	0,198782
Таълим олиш муддати ТХСТ 0, йил			0,868979
Таълим даражаси ТХСТ 1			
7	595680	601838	0,989769
...	...	...	...
10	498215	530639	0,938896
Таълим олиш муддати ТХСТ 1, йил			3,912128
Таълим даражаси ТХСТ 2			
11	480321	498533	0,963469
...	...	...	...
15	502989	529206	0,950460
Таълим олиш муддати ТХСТ 2, йил			4,723490
Таълим даражаси ТХСТ 3			
16	486727	534567	0,910507
17	461039	613692	0,751254
Таълим олиш муддати ТХСТ 3, йил			2,524769
Таълим даражаси ТХСТ 4			
18	486727	534567	0,910507
19	461039	613692	0,751254
Таълим олиш муддати ТХСТ 4, йил			2,524769
Таълим даражаси ТХСТ 6, 7, 8			
18	87793	645817	0,135941
...	...	...	...

22	45164	660170	0,068413
23	26725	638097	0,041882
24-27	30151	3065601	0,009835
Таълим олиш муддати ТХСТ 6,7,8, йил			0,440593

$EYS = 0,868979 + 3,912128 + 4,723490 + 2,524769 + 2,524769 + 0,440593 = 12,469959$ йил

Шундай қилиб, кутилаётган таълим олиш муддати 12,47 йилни ташкил этади.